БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 260 (3761)
16 ПАЙШАНБА
НОЯБРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

«Ташкентхлеб» бирлашмасининг коллективи 1978 йил учун ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида ғалаба рапортини берди. Яна топшириққа қўшимча 300 тонна нонбулка маҳсулотлари ишлаб чиқаришга аҳд қилинди.

Ҳозир бирлашма заводлари конвейерларидан 20 хил маҳсулот тушириб олинмоқда. Янги техниканы тадбиқ этиш, юксак унум билан ишлайдиган замонавий ускуналарни ишга тушириш туфайли маҳсулот ассортименти кўпайиб бормоқда.

Социалистик мусобақада Марня Фаннида бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси пешқадамлик қилмоқда. Ҳозир бу бригада 1979 йил ҳисобига меҳнат қиляпти.

МАСТЕРЛАР ЎҚУВИ

БУГУН

Бутуниттифоқ ҳунар-техника таълими инженер-педагогик ходимлари малакасини ошириш институти Тошкент филиали тингловчиларининг машғулоти бошланди. Тингловчилар — қурувчилик касблари ишлаб чиқариш таълими мастерлари, қурувчилар, механизаторлар ўқув программаси асосида икки ой машғулотларда қатнашадилар. Улар КПСС XXV съезди материаллари, КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорлари, иқтисод, фан-техника тараққиёти масалаларини ўрганадилар. Бўлғуси ишчиларни комплекс тарбиялаш курси машғулотларида қатнашадилар.

Тингловчилар амалий машғулотларда «Главташкентстро й»нинг қурилиш майдонларида, 4, 11, 63-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртларида бўладилар. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, Халқлар дўстлиги музейига борадилар.

Институт филиали ташкил этилгандан бери 10 йил ичида бу ерда беш мингдан ортиқ инженер-педагог ўз малакасини оширди.



Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестига қарашли 2512-автоколонна мотор ремонти цехининг илғор ремонтчилари Игорь Айрапетов ва Саиджон Йўлдошевнинг ишидан ҳайдовчилар хурсанд. Улар автомобилнинг «юраги» ҳисобланган моторларни тез ва соз ремонтдан чиқариб, автомашиналарнинг унумли ишлашига муносиб ҳисса қўшишяпти.

СУРАТДА: илғор ремонтчилар (чапдан-ўнгга Игорь Айрапетов ва Саиджон Йўлдошев.

Н. Маликбоев фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

● СОФИЯ. Уч томлик Болгария қишлоқ хўжалиги энциклопедияси нашрга тайёрланди. Унинг биринчи томи шу йилнинг охирида босиб чиқарилади. Ҳамма томлар эса 1981 йилгача чоп этилади.

Энциклопедиядаги материалларнинг асосий қисми Болгария қишлоқ хўжалигининг хусусиятларига, унинг тарихига, халқ ҳонимияти йилларн давомидаги ўзгаришларга бағишланган. Китобга таниқли болгариялик ва чет эллик қишлоқ хўжалик мутахассислари тўғрисидаги маълумотлар киритилган, жаҳонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ривожлантириш проблемалари ифодаланган. Турли мамлакатларда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ҳамда чорвачиликни ривожлантириш ҳақидаги таққослама маълумотлар қизиқарлидир.

● ВЕНА. Австрияда бир ярим ой давом этган Совет Иттифоқи кунлари якунланди. Бу тадбирни Австрия — Совет жамияти Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи билан ҳамкорликда уюштирган. РСФСР, Белоруссия, Грузия, Литва, ва Молдавия Совет Социалистик Республикалари ўз ютуқларини намойиш қилди. Молдавиянинг Бургенланд ўлкаси билан ҳамда Белоруссиянинг Қуйи Австрия билан ўзаро дўстона алоқалари 10 йиллигги тантаналн нишонланди.

Кўпгина виставкаларни минглаб австриялик-лар томоша қилишди. Совет фильмлари ҳафталиги, Молдавиянинг «Тинчеца» ашула ва рақс ёшлар ансамбли концертлари ҳаммага манзур бўлди.

● ВАРШАВА. Тарнуведаги «Тамель» заводи 10 миллионинчи электродвигателни ишлаб чиқарди. Завод марказ қўйилган бу двигателлар дунёдаги кўпгина мамлакатларга, шу жумладан СССРга экспорт қилинади. Ҳар уч двигателдан бири чет мамлакатларга юборилмоқда. Уларнинг пухталиги, енгиллиги, ҳар соҳада қўлланиш мумкинлиги харидорларга манзур бўлди. Ҳозирги вақтда корхона тамомила янгиланмоқда. Шундан кейин электромоторлар ишлаб чиқариш йилига 1,3 миллионтага кўпаяди.

● РИМ. Италия қурилиш саноати кескин танглнкни бошидан кечирмоқда. АНСА агентлигининг хабарига кўра, 1971 йилдан шу кунга қадар экономиканинг шу тармоғида 350 минг ишчи ишдан бўшатилган.

Матбуотнинг қайд этишича, Италия қурилиш саноатининг бу тушкунлигига кескин иқтисодий танглик сабаб бўлди.

● БРАЗИЛИЯ. Бу ерда октябрь ойида пул яна 2,9 процент қадрсизланди. Расмий маълумотларга кўра, ўтган 12 ой мобайнида мамлакатда турмуш 41,4 процентга қимматлашган. Молия министри Мариу Э. Симонсеннинг айтишича, хукуматнинг йил бошида пул қадрсизланишини 30 процентга туширишдан иборат мақсади амалга ошмади. Аксинча, пулнинг камида 40 процент қадрсизланишн кутилмоқда.

● БЕРЛИН. Берлинда очилган халқаро адабий коллоквиум «1933 — 1945 йилларда фашизмга қаршилик кўрсатиш халқаро ҳаракатида немис адабиёти» деган мавзуга бағишланди. Бу коллоквиумни ГДР Фанлар академияси адабиёт тарихи марказий институти уюштирди. Коллоквиум ишида ГДР, Совет Иттифоқи, Чехословакия, Польша, Венгрия, Вьетнам, АҚШ, Австрия ва ГФР адабиётшунослари ҳамда ёзувчиларидан 120 га яқин киши қатнашмоқда.

(ТАСС).

КАМ МАБЛАҒ САРФЛАБ, КЎПРОҚ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАЙЛИК

• *Тошкент — мамлакатга*

ҲАММАГА МАНЗУР

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг чеварлари тайёрлаётган маҳсулотлар истеъмолчиларга манзур бўляпти. Корхона марказн туширилган кийим-кечаклар Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларн н и н г юзлаб шаҳарлари ва аҳоли пунктларига жўнатилмоқда.

БУГУН

Пиджаклар ва ўғил болалар учун мўлжалланган мактаб формалари комплектларининг катта партияси Қоракалпоғистонга жўнатилди. Корхонанинг асосий конвейеридан ҳар куни 2 мингга яқин эркаклар костюми, 680 та пиджак, ўғил болаларнинг 500 мактаб формаси комплектлари туширнб олинмоқда.

Бирлашма меҳнатчилари беш йилликнинг учинчи йилини муваффақиятли якунлашмоқда. Бирлашманинг 1200 ишчиси беш йилликнинг уч йили топшириғини муддатидан илгари бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Ундан зиёд тикувчи-мотористка 1981 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Алла Максимовна Ким ва унинг қизи Валентина шулар жумласидан.

Тикувчилик бирлашмасида маҳсулот сифатини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда 15 моделдаги кийим беш қиррали белги билан чиқарилаётганлиги фикримизнинг далилидир. Давлат Сифат белгиси билан тайёланаётган буюмлар корхона ялпи маҳсулотининг 16 процентини ташкил этади.

МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ойдан-ойга янгидан-янги меҳнат зафарларини қўлга киритиб бормоқда. Бунга чеварлар социалистик мусобақани авж олдириш ва меҳнатни илмий асосда ташкил этиш орқали эришяптилар. Бу ҳақда бирлашманинг меҳнатни илмий ташкил этиш бўлими бошлиғи Валентина Тельнова шундай деди:

— Бирлашмамизда ҳар йили ижодий бригадалар тузиб чиқилади. Цехлардаги мазкур бригадаларга технологлар, мастерлар, пешқадам ишчилар, шунингдек инженер-техник ходимлар бирикитилган. Бундан ташқари бу бригадалар билан биргаликда маҳсулот сифатини назорат қилиш ҳамда меҳнат ва иш ҳақи бўлимлари ҳамкорликда иш олиб боришади. Бригадалар ишчиларнинг иш жойларини, ишлаб чиқариш технологиясини, иш усулларини чуқур анализ қиладилар. Камчиликлар эса биргаликда ҳал этилади.

Бригадалар ўртасида ҳозир қизғин беллашув кетяпти. Декабрь ойида унга якун ясалади. Ҳозиргача бирлашма ижодий бригадаларининг ташаббуси билан 70 дан ортиқ ихтирочилик таклифи жорий этилди. Бу эса 65 минг сўмлик фойда келтирмоқда. Энг муҳими, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш натижасида меҳнат унумдорлиги йилнинг ўн ойи мобайнида бир процентга оширилди.

ТОШКЕНТЛИКЛАР «ОҚ ОЛТИН» ЙИҒИМ-ТЕРИМИДА

«ЗАНГОРИ КЕМА» РУЛИДА

3-такси паркининг 30 га яқин ҳайдовчиси Жиззах областининг Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхоз иккинчи бўлимида «Зангори кема»ларда пахта термоқда. Шу кунгача ҳар бир ҳайдовчи 150—200 тоннадан пахта териб берди.

Дала меҳнаткашларининг оғирини енгил қилишда Р. Муҳамедов, С. Монстеренко, Ю. Орлов, К. Исоқов, Т. Муродов, Т. Соатхўжаев, Д. Мирзахўжаев ва бошқалар ўрнак бўлишмоқда.

Корхона ўз отлиғидаги ана шу совхозга яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Теримга тайёргарлик пайтида 24 машина, юзга яқин прицеп. 8 та подбор ва 8 та кўрак терадиган машина ремонтдан чиқарилди. Терим суръатини оперативлик билан бошқариш мақсадида махсус рация воситаси ўрнатиб берилди. Бундан ташқари кўпгина эҳтиёт қисмлар етказиб берилди. 35 минг сўмлик махсус иш кийимлари тақдим этилди. Бешта прицеп сув ва ёнилғи ташишга мослаштирилди.

Кўмакдошлар ҳиммати

Тошкент ҳуқуқшунослик техникуми студентлари шу кунларда Сирдарё областининг «Фарҳод» совхози пахтакорларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Студентлар қиш-қировли кунларнинг қийинчиликларига қарамай совхоз пахтакорларининг план ва мажбуриятни бажариш йўлида олиб бораётган курашига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. У. Абдусаломов, Т. Солиев, А. Аҳмедов, Л. Кандратова сингари ўқитувчилар раҳбарлигидаги 150 дан ортиқ студент кунлик нормасини 1.5—2 баравар бажармоқда. Ёшлар ўртасидаги мусобақада К. Абдуҳалилов, К. Жапақова, Т. Умаров, М. Ғаффорова, Н. Қирғизбоева, М. Болтаев, Т. Раҳабов, З. Дўстмуродов сингари бўлажак ҳуқуқшунослар ҳар куни 80—100 килограммдан тоза пахта териб, пешқадамлик қилишяпти. Яқинда улар совхоз маъмурияти, партия ва комсомол ташкилотлари томонидан Фахрий ёрлиқлар ҳамда пул мукофотлари билан тақдирландилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўрик» хотиралари студент ҳаваскорларн пахта даласида янги меҳнат жасоратларига руҳлантириб юборди.

А. МАМАРАСУЛОВ,
Тошкент ҳуқуқшунослик техникуми студенти.

ДЕҲҚОННИ МАМНУН ЭТИБ

Собир Раҳимов районн маданият ходимлари терим мавсуми авж олган шу кунларда пахтакорларни мамнун этишмоқда. Улар дала шийпонларида тез-тез концертлар кўрсатишяпти. Куни кеча Охунбобоев номли шаҳар маданият уйи ва 4-маданият уйининг бадиий ҳаваскорлик коллективлари Бўка районни колхоз ва совхозларига бориб келишди. Дала шийпонларида кўрсатилган концертлар ғоят мароқли бўлди.

— Бадиий ҳаваскорлардан тузилган концерт бригадалари ҳар шанба ва якшанба кунлари Бўка районн меҳнаткашларига мунтазам маданий хизмат кўрсатмоқда. — дейди район маданият бўлимининг мудири Ш. Хайитметов.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК

Қардошлик даврасида

Тошкент моделлар уйи ва «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари Бутуниттифоқ даврасида ўтказиладиган катта кўрикка тайёргарлик кўришмоқда. Улар ўзларининг янги маҳсулотлари билан Белоруссиянинг Могилев шаҳрида ўтказиладиган Бутуниттифоқ бадиий-техникавий кенгаш ишида қатнашадилар.

Барча иттифоқчи республикаларнинг мутахассислари иштирокида келгуси йили мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқариладиган янги кийим-кечакларнинг намуналари қизғин муҳокамадан ўтказилади. Шаҳримиз мутахассислари ана шу кўрик учун хотин-қизлар, ёшларнинг замонавий материаллардан тайёрланган янги моделдаги пальтоларини тақдим этадилар. Бу кийимлар бир неча хил намунада бўлиб, уларнинг ёқалари мўйнали, тугмалари диққатни жалб этадиган қилиб безалган.

Шаҳримиз тикувчилик саноатининг ижодкорлари шу йил Қозоғистоннинг пойтахти Олмаота шаҳрида бўлган ана шундай анъанавий дўстлик учрашувида ҳам қатнашиб, яхши натижаларга эришгандилар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

★ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Гаити коммунистлари Бирлашган партиясининг I съездига табриги эълон қилинган.

★ Советлар мамлакати космосни тадқиқ қилиш ва ўзлаштиришда янги буюк муваффақиятга эришди. Улуғ Октябрнинг 61 йиллиги арафасида киши бошқарадиган «Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг инсоният тарихида энг узоқ вақт давом этган учиши тугалланди.

15 ноябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретери, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев СССРнинг космонавт учувчилари В. В. Коваленок ва А. С. Иванченковга Совет Иттифоқининг юксак мукофотларини топширди. Мукофотларни топшириш вақтида ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи ва мукофотларни топшириш ҳақидаги ҳисобот бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

ПЕШҚАДАМЛАР УЛУШИ

Қурилиш ташкилотларида беш йилликнинг уч йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кизғин тус олмоқда. Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 153-қурилиш трести 13-қурилиш бошқармасининг илғор бригадалари юксак маррани эгаллаш учун жадал иш олиб боришаётир.

Бошқарманинг Йўлдош Шобилолов бошлиқ бригадаси Улуғ Октябрнинг 61 йиллиги арафасида Ленин проспектида 32 квартирали турар жой биноси қурилишини тугаллаган эди.

БУГУН

АЛЕКСАНДР САВЕЛЬЕВ БОШЛИҚ БРИГАДА ЧИМКЕНТ КЎЧАСИДА 56 ХОНАДОНГА АТАЛГАН ТУРАР ЖОЙ БИНОСИ ҚУРИЛИШИНИ ТУГАЛЛАБ, ҚАБУЛ КОМИССИЯСИГА ТОПШИРДИ.

Охунбобоев майдонидаги 104 квартирали уйжой қурилишида В. Пискохо бошлиқ бригада графигидан ўзган ҳолда меҳнат қилмоқда.

Бошқарма қурувчилари бу йил ишга туширилиши лозим бўлган барча объектларни муддатидан илгари битказиш ниятидалар.

КУТУБХОНА ТИКЛАНЯПТИ

«Главташкентстро й»нинг 11-«Висотстрой» трестига қарашли «Спецжелезобетонстрой» бошқармаси фанат осмонўпар бйноларни қуришга ихтисослашган. Бошқармада қурилиш ишлари технологияси юкори савияда ташкил этилган.

Юрий Дибердиев бошлиқ бригада азаматлари меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришиб, барчанинг ҳурматига сазовор бўлишаётир. Коллективнинг Владимир Фиик, Вячеслав Ишков сингари қурувчилари бир неча касбларда бемалол ишлай олишади. Улар бажарилаётган ишларнинг сифатига ҳам алоҳида эътибор беришмоқда.

Яқинда бригада Ленин проспекти ва Навоий кўчаси муюлишида А. Навоий номли Ўзбекистон Давлат кутубхонасининг 16 қаватли бинои қурилишини бошлаб юборди. Айни кунларда бу объектда пойдевор қўйиш ишлари бажарилляпти. Бу иш графигидан бирмунча ўзган ҳолда олиб борилмоқда.

Ю. Дибердиев бригадаси йил охиригача планга қўшимча 3 минг сўмлик иш бажаришга аҳд қилди.

ВОКАЛЧИЛАР КОНКУРСИ

Тошкентда 14 ноябрь куни Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари вокалчиларининг ижодий мусобақаси бошланди. Ғолибларни аниқлаш икки даврада ўтказилади. Мусобақа ғолиблари Рио-Де-Жанейр о д а (Бразилия) бўладиган вокалчилар н и н г IX Халқаро конкурсига йўлланма оладилар.

(ЎзТАГ).

ЧЕТ ЭЛ ЭКРАНЛАРИДА

Ўзбекистоннинг янги ерларини ўзлаштириш тўғрисидаги «Сув ҳам келди» киноҳикояси Венгрия Халқ Республикасининг кино экранларида кўрсатиш учун жўнатилди. Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида яратилган бу лентани Германия Демократик Республикаси ва Куба телетомошабинлари ҳам кўрадилар.

Кейинги вақтларда чет эллик кино ва телевидение ташкилотлари ўз томошабинларига кўрсатиш учун Ўзбекистон ҳаёти тўғрисидаги қисқа метражли фильмларни кўплаб сотиб олмоқда. Булар — ижтимоий ўзгаришлар ҳақидаги, меҳнат жасоратлари ҳақидаги, фан ва техника ютуқлари ҳақидаги, Ўзбекистоннинг табиати тўғрисидаги ленталардир. ГДР телевидениеси «Ишчи оиласининг бюджети» фильмини сотиб олди, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимлик моддалар химияси институтида ўтказилаётган тадқиқотлар тўғрисида суратга олинган «Чигитдан нон» лентаси беш мамлакатда намойиш қилинди. Социалистик мамлакатларда кўрсатиш учун танлаб олинган фильмлар орасида «Лайлеклар», «Дарахтлар киприги», «Тошкентда бир анҳор бор...», «Табассум қандай туғилади» фильмлари бор.

ЎҚИШ ВА МЕҲНАТДА ЯНГИ ЮТУҚЛАР САРИ

(РЕПОРТАЖ)

Шаҳар марксизм-ленинизм университети Ўзбекистон пойтахтининг йирик идеологик муассасаларидан биридир. Минглаб шаҳарликлар — партия ва совет ходимлари, хўжалик раҳбарлари, комсомол етакчилари, пропагандист ва агитаторлар университетни битириб чиқишди. Уларнинг ўрнига янги тингловчилар келишди.

Таркиб топган анъанага кўра, улар Санъат саройи залига биринчи машғулотга келишди. Улар орасида университетга янги кирганлар, уни бу йил битириб чиқадиганлар, турли бўлим ва гуруҳларнинг тингловчилари бор.

Кадрларни ғоявий чиниқтиришда университетнинг роли ва аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Янги ўқув йилида 4800 киши университет тингловчилари бўлди. Бу эса аввалгидан анча кўпдир. 2512 киши университет остонасини биринчи бор ҳатлаб ўтишди. Улар орасида «Таштекстильмаш» заводи бўяш-ўраш цехи катта мастери Е. М. Алмазова ҳам бор. У бир неча йиллардан бўён цех партия ташкилотига етакчилик қилиб келмоқда. Коммунистлар уни Тошкент шаҳар партия комитетининг аъзоси қилиб сайлаб, юксак ишонч билдиришди. Фақатгина зарбдор меҳнат намуналарини кўрсатишнинг ўзигина озлик қилади, дейди Елена Михайловна, коммунистнинг бурчи ўзининг бой тажрибасини ва билимини ўртоқларига ўргатишдир.

Шунинг учун ҳам у идеология кадрлари факультетига кирди. Назарий билимини бойитиб, олий сиёсий маълумот олгач, унинг мақсади қадрдон цехига пропагандистлик қилиш, кишиларга ишлаш ва хўжалик юритишнинг янги усулларини ўргатиш, истиқболга назар ташлаш, уларга мамлакат сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти, халқаро воқеаларни чуқур тушунишларига ёрдам беришдир.

Худди шу вазифа «Таштекстильмаш» заводидан келган бошқа тингловчилар — университетнинг биринчи курс талабалари: экспериментал цехи бошлиғининг ўринбосари А. Волоховский, меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи Ф. Ф. Мельник, цех бошлиқлари В. П. Кравченко, А. А. Умаров ва бошқалар олдида ҳам турибди. Бу йил заводдан 50 киши университетга кирди.

Зотан, бундай филиаллар ҳамма жойда бор. Ҳозир марксизм-ленинизм университети бу — икки факультет, 22 бўлим, шаҳарнинг турли районларидаги 17 филиалдан иборат. Ўқишнинг мазмуни муайян даражада чуқурлашди. Фақат тингловчиларнинг эмас, педагогик коллектив составн ҳам сифат жиҳатдан ўзгарди. Ҳозир университетда 15 профессор, 85 фан кандидати бор. Янги ўқув йилида янги курслар, масалан «КПСС идеология ишларининг актуал масалалари» курси ўрганилади. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг асари номи билан юритилаётган бу курс барча бўлимларда ўрганилади. Шунингдек, барча курсларда партия ва ҳукуматимизнинг муҳим ҳужжатлари, КПСС XXV съезди қарорлари, СССР янги Конституцияси, Леонид Ильичнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» номли асарлари чуқур ўрганилади.

Ана шу ғоявий-назарий бойликни эгаллаш университет барча тингловчилари н и н г фахрли вазифасидир. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин машғулотни очар экан, буни алоҳида таъкидлаб ўтди. Бинобарин, назарня пойтахт меҳнат коллективлари кундалик амалий ишлари билан узвий боғлаб олиб борилиши керак. Беш йиллик режалари муваффақиятли бажарилишининг омили ана шунда. Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов «Партия ўқуви самарадорлигини оширишнинг вазифалари тўғрисида» қилган докладида университет тингловчилари ана шу катта ва мураккаб вазифаларни амалга оширишда активлик кўрсатишлари зарурлигини таъкидлади.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатяптики, университет тингловчилари барча ишларда намуна бўлишяпти, меҳнатга, коммунистик муносабат, юксак ахлоқий принциплар, саҳоват ва ижтимоий активлик намуналарини кўрсатишяпти.

Бугун улар университетнинг кенг аудиториялари, ўқитувчилар билан танишадилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Ш. Ғ. Яҳёев ва шу бўлимнинг лектори Г. Н. Скопцов КПССнинг аграр сиёсати, халқаро аҳвол тўғрисида уларга лекция ўқиб беришди. Яна кўп вақт ўтмай, бугунги тингловчилар университетни битириб чиқишади. Улар шаҳар партия ташкилоти идеология фронти жангчилари сафларини тўлдирадилар, партия сўзини оммага актив етказадилар.

Т. РОДИОНОВ,

СУРАТДА: Санъат саройи катта залида марксизм-ленин и з м университети тингловчиларининг биринчи машғулоти.

М. Нуриддинов фотоси.



Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Ўзбекистон пойтахтида капитал қурилиш миқёси йилдан-йилга қулоч ёймоқда. Тошкентда беш йиллик бошидан буён 2 миллион квадрат метрга яқин уй-жой майдонлари, 39 минг ўринли мактаб ва мактабгача болалар муассасалари, ўнлаб саноат, маъмурий ва маданий-маиший бинолар қад кўтарди.

«Ташсантехгазмонтаж» трестининг коллективи янги Тошкентни бунёд этишга салмоқли ҳисса қўшяпти. Сантехниклар ва газмонтажчилар меҳнат қилмаётган бирорта ҳам объект йўқ. Зотан улар — юксак натижаларга эришишяпти. Ўн ойлик план 101,3 процент адо этилди. Монтаж сифати кўнгилдагидек бўлди. Трест бу йил қолоқ корхоналарсиз ишламоқда. 52 бригада коммунистик меҳнат коллективи номини олди. Яна уч бригада, бир бошқарма ва 8 участка ана шундай номни олиш учун курашмоқда. 55 бригада Н. Злобин методи асосида ишламоқда. 15 бригада коллектив СССР Конституциясининг бир йиллигигача уч йиллик топшириқни бажарди.

Трестда бўлиб ўтган хисобот-сайлов партия йиғилишида ана шундай мисол ва рақамлар келтириб ўтилди. Бу эришилган ютуқлар, деб таъкидлади докладчи — партком секретари А. Ҳасанов ва бошқа сўзга чиққанлар, партия ташкилотининг изчил ташкилий ва ғоявий-тарбиявий ишлари, барча соҳада коммунистларнинг етакчи роль ўйнагани натижаси бўлди.

Партия ташкилоти сафида 132 партия аъзоси ва аъзоликка кандидатлар бор. Ҳисобот даврида улар сафига 30 коммунист, — ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари қўшилди. Улар зарбдор меҳнат, ишга ижодий ёндошиш намуналарини кўрсатишмоқда. Н. Силин, Г. Бражник, М. Лейко, А. Гулматов, И. Киселев, Я. Ахмедшин сингари коммунистлар бошчилик қилаётган бригадалар ойдан-ойга план - топшириқ л а р и н и ошириб бажариб, монтаж сифатини яхшиламоқдалар. Интилганга толе ёр, деб шуни айтадилар-да.

Бироқ, деб таъкидланди йиғилишда, бу эришилган ютуқлар билан кифояланиш керак эмас. Трестда фойдаланилмаётган резервлар, ишга ҳалақит бераётган камчиликлар ҳам оз эмас. Барча бригадалар, участка ва бўлимлар ҳам план топшириқл а р и н и тўла бажаряпти, деб бўлмайди. Барча ишлаб чиқариш соҳаларида «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ташаббуси тўла-тўкис амалга оштандагина юксак кўрсаткичларга эришиш мумкин. Ҳатто коммунистлар етакчилик қилаётган айрим қолоқ участка, бригадалар ҳам бор. Йиғилиш қатнашчилари юз-хотир қилмай ана шундай ўртоқлардан бу нуқсонлар боисини сўрадилар, улардан ишни яхшилашни жиддий талаб қилдилар.

Музокара қатнашчилари — 1-монтаж бошқармаси бригадири Н. Силин, «Газмонтаж» бошқармаси партия ташкилоти секретари И. Назарюк, 3-монтаж бошқармаси бошлиғи Р. Амиров, прораб И. Разумовский, бирлашган қурилиш комитети раиси Н. Юдин, трест бошқарувчиси Г. Аванесов ва бошқалар объектларда баъзан меҳнатнинг бўш ташкил этилганини, меҳнат ва ижрочилик интизомининг пасайганини, кадрлар қўнимсизлигини ўзўзини танқид руҳида кўрсатиб ўтдилар. Бир қатор бошқармаларда механизм бўш туриб қолиши натижасида кўплаб иш вақтини йўқотишга, материал, лар етишмовчилигига, қурилиш техникаси ва автотранспортнинг бир маромда ишламаётганига ҳамон йўл қўйилмоқда.

1976 йилда трестда қурилиш-монтаж ишлари сифатини бошқариш комплекс системаси ишлаб чиқилди. Коллектив уни амалга ошириб, топширилаётган объектларнинг 95 —96 процентн яхши ва аъло баҳо олишига эришмоқда. Бироқ, бу борада ҳам ресервлар оз эмас. Ўнинчи беш йиллик, деб таъкидлашди коммунистлар, коллектив марказ и шарафи учун курашни кучайтиришни, барча объектларни тўла қўлдан чиқариб топширишни талаб қилади.

Бу ишда касб маҳоратини ошириш катта роль ўйнайди. Трестда ишчи кадрлар ва инженер-техник ходимларнинг малакасини ошириш учун, уларнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш, иқтисодий билимларни эгаллашлари учун кўп иш қилинмоқда. Партия комитети раҳбарлигида ўнинчи беш йилликда коллективни социал-иқтисодий ривожлантириш комплекс плани ишлаб чиқилди ва амалга оширилятпти. Ёшларнинг меҳнат тарбияси совети, мураббийлар, мастерлар, ёш мутахассислар советлари ишлаб турибди.

Партком коммунистлар ва партиясиз активнинг ўқуви тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатмоқда. Барча бўлимларда маркса-ленинча ўқув ва иқтисодий таълим, комсомол сиёсий маорифи мактабларининг тўгарак ва семинарлари, коммунистик меҳнат ва илғор тажрибалар мактабларн ишлаб турибди. Агитколлектив ва сиёсий ахборотчилар группалари — улар 200 кишидан зиёд, катта иш олиб бормоқдалар. Идеология активистлари партиявий сўз ва шаҳсий намуна билан трест меҳнаткашларини янги марралар сари, беш йиллик топшириқларини бажаришга сафарбар этмоқдалар.

Коллектив олдида анча мураккаб вазифалар турибди. Факат шу йилнинг охирига ча «Главташкентстрой» қурувчилари билан ҳамкорликда монтажчилар 247 минг квадрат метр майондаги 75 турар жой ва 11 ётоқхона, 4240 ўринли 16 та болалар боғчаси. 28 та ишлаб чиқариш ва маъмурий-маиший фойдаланишга топширишлари керак. Бу вазифани муваффақиятли бажариш учун бутун куч ва воситани сафарбар этиш зарур. Айниқса қолоқ участка, бригадаларни илғорлар сафига етказиб олиш керак. Йиғилиш қатнашчилари шу нарсани яна бир марта таъкидлаб ўтишдики, ҳар бир коммунист давлат топшириқларини бажариш учун курашнинг олдинги сафида бўлиб, топширилган иш учун юксак масъулиятни чуқур ҳис қилиши зарур.

Коммунистлар ўз қарорларида келгуси даги ишларнинг конкрет йўналишини белгилаб, йўл қўйилган камчиликларга барҳам бериш йўлларини аниклаб олдилар, фойдаланилмаётган резервларни кўрсатиб ўтдилар. Партия комитети, цех партия ташкилотлари, барча коммунистларнинг беш йиллиқнинг кейинги йилларидаги ишларининг аниқ программасини белгиладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин сўзга чиқди.

Ҳ. ИКРОМОВ, Р. ТЭЛЛЬ.



«Узсельхозтехни к а»нинг Тошкент тажриба-ремонт-механика заводи гидравлик прессларни тайёрлаш цехининг Тоҳиржон Мирзаев бош бўлган илғор комсомол-ёшлар бригадаси шу кунларда 1981 йилнинг март ойи ҳисобига маҳсулот топширимоқда. Сиз мана бу фотолавҳада ана шу бригада бошлиғи Т. Мирзаевни меҳнат жараёнида кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотолари.

• Бир микрорайон муаммолари

ДЎМБРОБОДЛИКЛАР ТАШВИШИ

Илгарилари Дўмбобод шаҳримизнинг обод, сердарахт жойларидан бири сифатида ёритилиб олинарди. Кейинги пайтда ана шу обод массив ҳуснида пайдо бўлган доғлар унинг аҳолисини ташвишлантирмоқда. Бу ернинг ободончилигига бўлган эътибор ҳам негадир камайиб кетди. Санъат, Гавҳар кўчалари, Дилхуш кўчасининг II проезди ва бошқа кўчаларда бундан бир неча йил муқаддам қилинган йўлқалар қаровсизлик оқибатида ёмон аҳволга келиб қолган. Уларнинг кўп жойлари чўкиб, кавлаб ташланган, кўпчилик жойлар ёзда чанг, қишда эса лой бўлиб ётади.

Бундан ҳам ёмони бу кўчалардаги ёритиш тармоқларининг ишламаслигидир. Йигирма йил муқаддам Санъат кўчасида истиқомат қилувчилар ўз ҳисобидан симёғоч ўрнатишиб кўчадан электр олиб ўтишган эди. Бугуниги кунга келиб уларнинг кўпчилиги қийшайиб, электр симлари осилиб қолган. Бу эса кўчадан ўтувчилар учун катта хавф туғдирмоқда.

Электр линиясини ремонт қилиш, кўчаларни ёритиш эса ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаяпти. Яқинда Дилхуш кўчасини ёритиш учун янги жиҳозлар, ёритгичлар монтаж қилинди. Аммо негадир лампочкалар қўйиш ва унга ток улаш пайсалга солиб келинмоқда. Нотекис йўлларда қоронгуда юриш эса аҳолига катта ташвиш тугдиряпти.

«Главташкентстрой»га қарашли 1-уй-жой коммунал идорасининг 3-участкаси жойлашган кўп қаватли уйлар орасидаги ҳам ана шундай аҳволда. Негадир бу бинолар атрофидаги ёритиш тармоқлари умуман ишлатилмаяпти. Участка техник-назоратчиси Н. И. Курловадан бунинг сабабини сўраганимизда, у бизни ҳайрон қолдирди. Ҳеч қандай етишмовчиликлар йўқ. Аслидачи? Аслида эса 5 ноябрь куни биноларга иссиқлик берилиши билан 6-уй ёнида қувурнинг ёрилиб кетиши натижасида 11 та кўп қаватли бино аҳолиси ҳозиргача совуқ хоналарда ўтиришибди. Бу қиш мавсумининг бошланишидаги гаплар. Ҳали олдинда қишнинг қаҳратон кунлари турибди. Аҳвол ҳозирданоқ шундай бўлса кейин нима бўларкин?

* * *

Ташкилотчи-педагог Л. С. Барова болалар билан ишлашни яхши йўлга қўйган. Аммо унинг бу борадаги ҳаракатлари самарали бўлиши учун ЖЭК раҳбарлари ҳали кўп иш қилишлари лозим.

— Мени болалар ўйнайдиган майдончалар ва спорт майдони аҳволи жуда ташвишлантиряпти,— дейди у. Энг аввало болалар ўйнайдиган майдончаларнинг файзсизлиги, жиҳозлар етишмаслиги, улар номигагина борлиги кишини таажжублантиради. Болалар спорт майдонининг аҳволи эса бундан ҳам ёмон. Икки йил муқаддам «Строймеханизация» трести механизация бошқармаси қурувчилари ташаббуси билан бу ерда футбол, волейбол ва баскетбол майдони учун катта жой текисланди. Бирбирига яқин бўлса ҳам тўп ўйнайдиган алоҳида-алоҳида жиҳозлар ўрнатилди. Аммо иш бундан нарига ўтмади. Спорт майдони ёзда чанг ва қишда лой бўлиб ётади. Ёзда аҳоли фарзандлари чим ётқизилмаган тупроқли жойда тўп ўйнаб, чанг сумига пухта, сифатли ҳозирланган. Бу борада ҳеч қандай етишмовчиликлар йўқ. Аслидачи? Аслида эса 5 ноябрь куни биноларга иссиқлик берилиши билан 6-уй ёнида қувурнинг ёрилиб кетиши натижасида 11 та кўп қаватли бино аҳолиси ҳозиргача совуқ хоналарда ўтиришибди. Бу қиш мавсумининг бошланишидаги гаплар. Ҳали олдинда қишнинг қаҳратон кунлари турибди. Аҳвол ҳозирданоқ шундай бўлса кейин нима бўларкин?

* * *

Ташкилотчи-педагог Л. С. Барова болалар билан ишлашни яхши йўлга қўйган. Аммо унинг бу борадаги ҳаракатлари самарали бўлиши учун ЖЭК раҳбарлари ҳали кўп иш қилишлари лозим.

— Мени болалар ўйнайдиган майдончалар ва спорт майдони аҳволи жуда ташвишлантиряпти,— дейди у. Энг аввало болалар ўйнайдиган майдончаларнинг файзсизлиги, жиҳозлар етишмаслиги, улар бунга кўникиб қолишган. Участкадаги турар жой бинолари техник-назорат ч и с и Н. И. Курловадан қишга тайёргарлик бўйича бажариладиган ишлар планини сўраганимизда, у бизни ҳайрон қолдирди. Ноаниқ жавоб берди. Аслида эса ўндан ортиқ квартирага қўшимча иситиш батареялари ўрнатилган холос. Уй-жой коммунал хўжалик бошқармасининг 1-ЖЭК бошлиғи В. А. Парфеновнинг редакцияга ёзма равишда маълум қилишича, Новза-Қозиробод кўчасидаги «Главташкентстрой»нинг барча турар жойлари қиш мавсумига пухта, сифатли ҳозирланган. Бу борада ҳеч қандай етишмовчиликлар йўқ. Аслидачи? Аслида эса 5 ноябрь куни биноларга иссиқлик берилиши билан 6-уй ёнида қувурнинг ёрилиб кетиши натижасида 11 та кўп қаватли бино аҳолиси ҳозиргача совуқ хоналарда ўтиришибди. Бу қиш мавсумининг бошланишидаги гаплар. Ҳали олдинда қишнинг қаҳратон кунлари турибди. Аҳвол ҳозирданоқ шундай бўлса кейин нима бўларкин?

* * *

Ташкилотчи-педагог Л. С. Барова болалар билан ишлашни яхши йўлга қўйган. Аммо унинг бу борадаги ҳаракатлари самарали бўлиши учун ЖЭК раҳбарлари ҳали кўп иш қилишлари лозим.

— Мени болалар ўйнайдиган майдончалар ва спорт майдони аҳволи жуда ташвишлантиряпти,— дейди у. Энг аввало болалар ўйнайдиган майдончаларнинг файзсизлиги, жиҳозлар етишмаслиги, улар бунга кўникиб қолишган. Участкадаги турар жой бинолари техник-назорат ч и с и Н. И. Курловадан қишга тайёргарлик бўйича бажариладиган ишлар планини сўраганимизда, у бизни ҳайрон қолдирди. Ноаниқ жавоб берди. Аслида эса ўндан ортиқ квартирага қўшимча иситиш батареялари ўрнатилган холос. Уй-жой коммунал хўжалик бошқармасининг 1-ЖЭК бошлиғи В. А. Парфеновнинг редакцияга ёзма равишда маълум қилишича, Новза-Қозиробод кўчасидаги «Главташкентстрой»нинг барча турар жойлари қиш мавсумига пухта, сифатли ҳозирланган. Бу борада ҳеч қандай етишмовчиликлар йўқ. Аслидачи? Аслида эса 5 ноябрь куни биноларга иссиқлик берилиши билан 6-уй ёнида қувурнинг ёрилиб кетиши натижасида 11 та кўп қаватли бино аҳолиси ҳозиргача совуқ хоналарда ўтиришибди. Бу қиш мавсумининг бошланишидаги гаплар. Ҳали олдинда қишнинг қаҳратон кунлари турибди. Аҳвол ҳозирданоқ шундай бўлса кейин нима бўларкин?

* * *

Ташкилотчи-педагог Л. С. Барова болалар билан ишлашни яхши йўлга қўйган. Аммо унинг бу борадаги ҳаракатлари самарали бўлиши учун ЖЭК раҳбарлари ҳали кўп иш қилишлари лозим.

— Мени болалар ўйнайдиган майдончалар ва спорт майдони аҳволи жуда ташвишлантиряпти,— дейди у. Энг аввало болалар ўйнайдиган майдончаларнинг файзсизлиги, жиҳозлар етишмаслиги, улар бунга кўникиб қолишган. Участкадаги турар жой бинолари техник-назорат ч и с и Н. И. Курловадан қишга тайёргарлик бўйича бажариладиган ишлар планини сўраганимизда, у бизни ҳайрон қолдирди. Ноаниқ жавоб берди. Аслида эса ўндан ортиқ квартирага қўшимча иситиш батареялари ўрнатилган холос. Уй-жой коммунал хўжалик бошқармасининг 1-ЖЭК бошлиғи В. А. Парфеновнинг редакцияга ёзма равишда маълум қилишича, Новза-Қозиробод кўчасидаги «Главташкентстрой»нинг барча турар жойлари қиш мав-

ютишади. «Главташкентстрой» 1-уй-жой коммунал идораси раҳбарларининг болалар ўйнайдиган майдончалар ва спорт майдончаларига бу қадар эътиборсизлик билан қараётганликлари тажжубланарли, албатта. Бунинг устига болалар ўйнайдиган майдончаларга жуда яқин жойланган «Ташлимводторг»га қарашли пиво бари кўпчилик ота-оналарни ранжитмоқда. Негаки маст-аласт кишилар тўғридан-тўғри болалар майдончаларига келиб улфатчиликни давом эттиришади. ЖКК томонидан эътиборсизлик натижасида подвалининг эшиги бўлмаган ертўлаларга кириб кетишади. 9-уй тагидаги подвал узоқ вақт мобайнида ана шундай жойга айланиб қолди. ЖКК ходимлари эса аҳолининг неча мартадаб илтимосларига қарамай, подвал эшигини ўрнатишни яқин-яқингача ҳам пайсалга солиб келишди. Булар албатта Новза-Қозиробод кўчасидаги биноларда истиқомат қилаётган оилаларнинг фарзандлари тарбиясига салбий таъсир этяпти.

Дўмбободли к л а р ташвиши булар билангина чекланмайди. Чилонзор район «Автодормехбаза»си ҳам уларни ранжитишмоқда. Санъат, Гавҳар, Дилхуш кўчасининг II проезди, Дўмбобод кўчасининг ҳар жой-ҳар жойида чиқиндилар уюлиб ётибди.

— «Автодормехбаза» машиналари ҳафталаб келмайди. Уларнинг қачон келиб кетишини ҳам билмаймиз,— дейди 188-мактаб ўқитувчиси А. А. Кузочкина.— Бунинг натижасида уйларимизда чиқиндилар йиғилиб қоляпти, антисанитария ҳоллари рўй беряпти.

— Уч кундан буён бизнинг кўп қаватли биноларга ҳам чиқинди ташувчи машиналар келмаяпти,— дейди участка техник-назоратчиси Н. И. Курлова.

Энг ачинарлиси шуки, 188-мактаб ёни жуда катта ахлатхонага айланиб қолган. Бу ерда қишин-ёзин бир жойга тўпланадиган рўзғор чиқиндилари уюлиб ётади. Бунинг асосий сабаби ахлат ташувчи машиналарнинг Санъат, Дилхуш, Гавҳар, Мамарасул Бобоев, Новза-Қозиробод кўчаларига ёмон хизмат кўрсатаётгани, уларнинг ишида қатъий график йўқлиги бўлса, иккинчи сабаб айрим кишиларнинг ўта дидсизлигидир. Чунки ўзларининг фарзандлари илм олаётган мактаб ёнига тунда чиқинди олиб чиқиб тўкиш уларга ярашмайдиган иш.

Бир сўз билан айтганда, мавжуд нуқсонлар Чилонзор район ободонлаштириш бошқармаси, «Главташкентстрой» уй-жой коммунал хўжалик бошқармаси раҳбарларининг ўта эътиборсизликларини кўрсатиб турибди. Акс ҳолда аҳоли ташвишлари бу қадар кўпайиб кетмаган бўларди. Шаҳар ёритиш тармоқлари бошқармаси, «Автодормехбаза» раҳбарлари ҳам бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари зарур.

М. АБДУЛЛАЕВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

ИККИ МАРТА ҲОСИЛ

Риштон районидаги «Сўҳ» совхозининг Тоштемир Абдурахмонов бошлиқ бригадаси йил бошидан бери иккинчи ҳосилни йиғиштириб олди. Олти гектарли тажриба даласининг ҳар гектаридан 180 центнердан қулупнай олинди. Мавсумда гектаридан ўрта ҳисобда 460 центнердан картошка олинди. Бу — ҳўжалик совхозларининг Ўзбекистон совхоз — полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба пункти ходимлари билан ҳамкорлигининг натижасидир. Уларнинг кўрсатмалари билан бу экиннинг ўсиш даври қисқарди.

ТОҒЛАРДА ДАРАХТЗОР

Қашқадарё ўрмончилари Зарафшон ва Ҳисор тоғ ёнбағриларида дарахт ва буталар ўтказишга киришдилар. Улар арча, чинор, қайрағоч дарахтларини экмоқдалар. Дарахтлар тезроқ ўсиши учун кезилган чуқурларга сепрунум ерларнинг тупроғи солинмоқда. Яқин йилларда тоғ бағри зоналаридаги дарахт экилган майдонлар областда 5 минг гектар кенгаяди.

УНИВЕРМАГ ОЧИЛДИ

Октябрь районидаги Тимирязов номли совхоз чўлқуварлари учун янги универмаг очилди. Унда саноат, хўжалик, озиқ-овқат маҳсулотлари бўлимлари бор. Беш йиллик охиригача Жиззах чўлининг 10 та қўриқ хўжалигида ана шундай магазинлар қуриш кўзда тутилган.

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Учқўрғон районидаги «Андижон» колхозида 240 нафар кичкинтойга мўлжалланган болалар боғчаси қурилиши бошланди. Ҳозир райондаги қарийб барча қишлоқларда янги мактаблар, клублар, турар жойлар қурилмоқда. Беш йиллик бошидан буён салкам 650 колхозчи оиласи майда-майда қишлоқлардан замонавий посёлкаларга кўчиб ўтди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

БРАТИСЛАВАДА МЕМОРИАЛ ЛАВҲА

БРАТИСЛАВА. Бу ердаги Чехословакия-Совет дўстлиги уйида 1925 йилда янги Россия билан Чехословакиянинг иқтисодий ва маданий алоқалари жамиятлари тузилганлиги шарафига мемориал лавҳа тантанали вазиятда очилди. Мазкур жамият коммунистларнинг ташаббуси билан тузилган бўлиб, ёш совет республикаси билан бирдамлик, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг муваффақиятларини оммалаштириш ишида катта роль ўйнади.

Клемент Готвальд ва Густав Гусак жамият ишини ташкил этишга кўп эътибор бердилар. Жамият активлари иккинчи жаҳон уруши йилларда қаршилик кўрсатиш ҳаракатида фаол қатнашдилар. Улар яширин чиқарилган асарларда гитлерчи Фашистлар билан курашда Совет Армиясининг эришган муваффақиятлари тўғрисида ҳақиқатни ёздилар.

КОМБИНАТ ЮБИЛЕЙИ

СОФИЯ. Болгария қора металлургиясининг тўнғич корхонаси — Кремиков металлургия комбинати қурилганига 15 йил тўлди. Унинг бутун тарихи қардош Совет-Болгария ҳамкорлигини тўлқинлантирувчи солномасидир. Комбинат совет лойиҳалари бўйича қурилиб, бизнинг заводларимизда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар билан қуроллантирилган. Ҳозир Кремиков комбинати, Болгария индустрия қудратининг рамзидир. Комбинат мамлакатга 14,5 миллион тонна чўян, 17 миллион тоннадан кўп пўлат, 15 миллион тоннадан зиёд қора металлар прокати етказиб беради. Ҳозирги вақтда у 80 маркали пўлат ишлаб чиқармоқда.

Кремиковликлар корхонаси замонавий корхонадир. Унда ишлаб чиқариш юксак даражада марказлаштирилган. Интисодий ва ишлаб чиқариш техника ахборотини ишлаш учун электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланилмоқда. Ҳозир Кремиков комбинатида ишлаб чиқариш қувватлари реконструкция қилинмоқда.

ЗАВОД ҚАД КЎТАРМОҚДА

ГАВАНА. Кубанинг Лас — Тунас вилоятининг шимоли — шарқи яқин вақтларгача чакалакзорлардан иборат эди. Ҳозирги вақтда бу ерда пайвандланган металл конструкциялар ишлаб чиқарувчи катта завод қад кўтармоқда. Мамлакатнинг мана шу ғоят тез ривожланаётган районида саноат корхоналари қурилиши учун бу завод маҳсулотидан фойдаланилади.

Совет мутахассислари бинокорларга фаол ёрдам бермоқдалар. Улар Куба инженерлари билан бирга, жумладан агрегатларни ерда йиғиб, кейин кучли кранлар ёрдамида ўрнатишнинг юксак унумли усулини ишлаб чиқдилар.

Бўлажак завод учун ҳозирнинг ўзидаёқ кадрлар тайёрланмоқда. Шу мақсадда қурилишда махсус курслар ташкил этилди. Жуда яқин орада 50 дан ортиқ киши ўқиш учун Совет Иттифоқига юборилади.

ҲИНДИСТОНДА ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон автомобиль йўлларини шахобчаларини кенгайтиришда катта муваффақият л а р г а эришди. Мустақиллик йиллари мобайнида Ҳиндистонда автомобиль йўлларн 1,3 миллион километргача етиб, икки баравар кенгайди.

Аҳолисининг қарийб 80 процентн қишлоқ жойларида яшаётган Ҳиндистоннинг ҳозирги шароитида ривож топган йўлларнинг мавжудлиги экономиканинг ўсиш суръатларини жадаллаштириш, табиий ресурсларни қазиб чиқариш учун ғоят катта аҳамиятга эгадир. Мамлакатни ривожлантиришнинг 1978—1983 йилларга мўлжалланган янги, олтинчи беш йиллик планида ҳукумат йўл қурилиши учун қарийб 30 миллиард рупия ажратади.

Штатларнинг ва иттифоқ территорияларнинг ҳукуматлари қишлоқ районларида йўл қурилиши умуммиллий программасини амалга оширмоқдалар. Жами 800 километр узунликдаги йўллар янгиланмоқда.

55 та миллий автомобиль магистраллари кенгайтирилади. Деҳлини Амритсар, Калькутта ва Лакхнау билан боғлайдиган автомобиль йўлларида, Бомбей билан Агра, Мадрас билан Калькутта ўртасидаги шосселарда ва бошқа шаҳарлар ўртасидаги йўлларда катта қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

ОТТАВА. Канадада ишсизлик тўхтовсиз ўсмоқда. Мамлакатда меҳнатга яроқли 11 миллион аҳолининг 8,2 процентн иш тополмаяпти. Бу — 1970 йилдан бери Канадада ишсизликнинг энг юқори даражаси ҳисобланади. Бу кўрсаткич баъзи райнларда қарийб 50 процентга етади.

Мутахассисларнинг чамалашича, Канадада ишсизлик даражаси яқин ойлар ичида 9 процентдан ошади.

* * *

ТУНИС. Тунисннг катталигн жиҳатидан иккинчи шаҳри — Сфаксда «Москва олимпиадаси» деб номланган виставка очилди. Экспозиция «Олимпиада —80» га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган.

Виставкада бўлажак олимпия ўйинларн пойтахти —Москва ҳақида, спорт иншоотлари, Совет Иттифоқида спортнинг ривожланиши тўғрисида ҳикоя қилувчи кўпгина ранг-баранг фотосуратлар намойиш қилинмоқда. Виставка шаҳар аҳолисида зўр қизиқиш туғдирмоқда.

НАБАТДАГИ ТУРКУМ

ПРАГА. Чехословакиянинг Хлумчани шаҳридаги керамик буюмлар заводи Москвага бир қанча олимпия объектлари учун қоплама безак плиталарининг навбатдаги туркумини жўнатди. Корхона коллективи СССРга экспорт қилиш йиллик планини — 273 минг квадрат метр плита жўнатишни муддатидан барвақт — 15 декабргача бажариш мажбуриятини олди.

Хлумчанида тайёрланган керамик плиталар билан Москва, Ленинградлаги кўпгина биноларнинг пештоқлари ва ички томонлари, Тольяттидаги автозаводнинг маъмурий корпуси безатилган. Ҳозир бу буюмнинг асосий қисми совет пойтахтидаги олимпия иншоотлари қурилишига жўнатилмоқда.

ДЎСТЛАР КЎЗИ БИЛАН

КОНАКРИ. Гвинеяда чиқадиган «Хорейя» газетаси техникли журналист Иброҳим Сиссенинг «Богбўстонларга айланган чўллар» сарлавҳали мақоласини эълон қилди. Иброҳим Сисс бу йил Ўзбекистонда бўлди. «Ўзбекистонни СССР қардош республикалари орасида «Серқуёш Ўзбекистон» деб аташади. Дарҳақиқат, Совет Ўзбекистони — бу гуллаб-яшнаётган серқуёш республикадир», деб ёзади автор.

Автор Ўзбекистоннинг Совет ҳокимияти йилларидаги тараққиёти ҳақида батафсил ёзади. Бугунги кунда Ўзбекистон меҳнаткашлари фаровон яшамоқдалар. Ўзбекистон меҳнаткашлари билан бўлган учрашувларда, деб таъкидлайди Иброҳим Сисс, улар фақат социализмгина миллатларнинг гуллаб-яшнашини таъминлади, дейишди. Мен 1966 йилда бу ерга келганимда, табиий офат —зилзиладан шаҳар катта зарар кўрганди. СССР халқларининг ягона дўстона оиласига жипслашган бошқа республикалар меҳнаткашлари тошкентликларга ёрдамга келишди. Янги чиройли биноларнинг деворларига «Украина — Тошкентга», «Эстония — Тошкентга», «Москва — Тошкентга» деган сўзларни ўқиш мумкин.

«Бугунги Совет Ўзбекистони ниҳоятда гўзал,— деб ёзади Иброҳим Сисс. Бу меҳмондўст республикадан жўнаб кетар эканман, унинг истиқболи янада гўзал бўлажагини ўйладим. Чунки, ўзбеклар ер юзида энг ҳаққоний коммунистик жамият бунёд этиш йўлида баланд руҳ билан яшамоқдалар.

ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ШОЛИ МЕЛИОРАТОР

Шолипоялар Фарғона районидаги Ильич номли пахтакор колхозининг шўрҳок ерларини ўзлаштиришни икки баравар тезлаштиришда ёрдам берди. Бу ерда чигит экишдан олдин далаларни яхшилаб ювиш, шўрга бардош берувчи шу экин парваришн билан қўшиб олиб борилди. Одатдаги агротехникага нисбатан суғориш сонигина кўпайтирилди.

Шундай қилиб шоли ғўзадан олдин етиштирилиши лозим бўлган энг яхши экин бўлиб чиқди. Шу йил биринчи бор чигит экилган 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта териб олинди. Хулбуки, бу хосилдорлик бу ерда беш йиллик охирига мўлжалланганди. Бир йил аввал шу далядан гектар бошига 35 центнердан шоли ҳосили олинганди.

Марказий Фарғонада 90 минг гектар шўрҳок ерлар ўзлаштирилиши лозим. Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг олимлари берган тавсиядан фойдаланган Ильич номли колхоз деҳқонларининг тажрибаларини шу зонадаги бошқа хўжаликларда ҳам қўллаш мўлжалланади.

[ЎзТАГ].



СУРАТДА: «Матбуот» нашлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 3-босмахонанинг илғор полиграфчилари (чапдан-ўнгга) Людмила Маҳкамова билан Рихсихон Миржалиловалар тасвирланган. Бу пешқадам печатниклар шу кунларда 1960 йил иккинчи квартали топшириқларини адо этмоқдалар.

АФАРЛАР ЯНГИ ҲАЁТ ҚУРМОҚДА

АДДИС-А Б Е Б А. Эфиопиянинг шимолишарқий, районида яшовчи қадим элатлардан бири афарлар асрлар бўйи давом этаётган кўчманчиликни аста-секин тарк этмоқдалар. Аваш дарёси водийсини ривожлантириш бошқармасининг маълумотларига кўра, кейинги икки йил мобайнидагина Волло вилоятида афар элатига мансуб чорвадор деҳқонлардан 3000 дан ортиқ киши доимий хўжаликка бирлашдилар.

Улар Эфиопияда миллий демократик революция туфайли тузилган янги ҳокимият органлари — 11 деҳқонлар уюшмасига бирлашдилар. Афарлар анъанавий чорвачилик касбидан ташқари, ҳозирги вақтда пахта ва маккажўхори етиштиришни ўрганмоқдалар. Бир неча минг гектар унумдор ерлар пахта ва маккажўхори экиш учун ажратилди.

Янги ҳаёт қураётган афарлар Эфиопия ҳукуматидан ёрдам тариқасида дастлаб кўп миқдорда қишлоқ хўжалик машиналари ва ўғит олмоқдалар. Суғориладиган яйловлар барпо этишга катта эътибор берилмоқда. Кейинги бир йил мобайнида шу мақсад учун 250 минг бирдан зиёд маблағ сарфландн. Қорамол ва қўйэчкилар вакцина билан эмланмоқда, катта чорвачилик фермалари тузилмоқда.

Жамиятларда ўтган йилги маҳсулотни сотиб, олинган даромаддан кооператив магазинлари, поликлиникалар ташкил этилмоқда, уй-жой бинолари қурилмоқда. Афарларнинг далалар ва яйловларда бирлашиб қилаётган меҳнати коллектив меҳнатнинг афзаллигини яққол исботлаб, яхши самаралар бермоқда.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

К. ОБИДОВ:—Ҳурматли редакция! Айтинг-чи, совет органларига сайланганда узлуксиз меҳнат стажи сақланиб қоладими?

Жавоб: Давлат органларидаги, шунингдек партия, касаба союз, комсомол, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларидаги сайланадиган лавозимларга ўтганларнинг узлуксиз меҳнат стажлари сақланиб қолади.

Сайланадиган лавозим бўйича ваколати тамом бўлганидан кейин ходим бир ой мобайнида бошқа ишга кириб олса, унинг узлуксиз меҳнат стажи сақланади. Акс ҳолда ходимнинг узлуксиз меҳнат стажи узилади.

Бундай вақтда Советлардаги сайланадиган лавозимдан бўшатилган ходим янги иш жойидаги касаба союзларига мурожаат қилиб, узлуксиз стажини қайта тиклашни илтимос қилиши мумкин. Бундай тартибда тикланган меҳнат стажи ходимга социал страхование бўйича нафақа белгилаш ҳамда давлат пенсиялари тайинлашда эътиборга олинади.

* * *


А. САФАРОВ, Қ. ТУРҒУНБОЕВ: —Бизни ходим бошқа бир вазифани вақтинча бажаришга ўтганда унга қандай ҳақ тўланиши қизиқтиради. Мумкин бўлса, шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

Жавоб: Вақтинча йўқ ходимнинг вазифасини адо этиш бошқа ходим зиммасига корхона, муассаса, ташкилот бўйича буйруқ (фармойиш) бериш билан юкланади. Қоидага кўра, бундай ўринбосарга унинг доимий лавозими бўйича тегишли маош билан ўрнини босаётган лавозими бўйича белгиланган маоши (шахсий маоши ҳисобга олинмайди) ўртасидаги фарқ тўланади. Бунинг учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши керак.

а) вазифани вақтинча бажараётган ходим вақтинча йўқ ходимнинг штатли ўринбосари ёки ёрдамчиси бўлмаслиги керак; бош инженер вақтинча йўқ бўлган раҳбарнинг ўрнида ишлаган вақтда ойлик маошларнинг фарқи тўланмайди.

б) ўринбосарлик муддати 12 ой кунидан ортиқ бўлиши керак. Ходимни бўш (вакант) вазифасини бажарувчи қилиб тайинлаш вақтинча ўринбосарлик деб ҳисобланмайди. Бундай тайинлаш ходимнинг розилиги билан уни бошқа ишга ўтказиш деб ҳисобланади.

Ходим, шу жумладан штатли ўринбосар (ёрдамчи) ёки бош инженер бўш (вакант) лавозимининг вазифасини бажарувчи қилиб тайинланганда иш ҳақи шу лавозим бўйича тўланади.



Лужникида, Москва дарёси бўйида универсал спорт зали қад кўтармоқда. 1980 йилги Олимпиада ўйинлари вақтида ана шу ерда волейбол мусобақалари ўтади. Ноёб конструкциядаги спорт залининг трибуналарига 3 минг томошабин сиғади.

СУРАТДА: универсал спорт зали.

ТАСС фотохроникаси.

КУЧА ТАСОДИФЛАРИГА ТУЛА ГАИ АХБОРОТИ

